

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

12 ЙИЛ ЧИКИШИ
№ 179 (3151).
12
сентябрь
ЯКШАНБА
1965 йил
Баҳоси 2 тийин.

ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Тошкент области партия комитети ва области ижроия комитети районлар, колхоз ва совхозларда пахта териб ва давлатга топшириш юзасидан бошланган социалистик мусобақанинг сентябрь ойи ўн кунлигидаги якунларини кўриб чиқиб, области партия комитети ва области ижроия комитетининг кўмакида Қизил байроғини Оржоникидзе районига (район партия комитетининг секретари Қирғизбоев, район ижроия комитетининг раиси Қўшиқов) ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Юнусов, район комсомол комитетининг секретари Тўхтаев ўртоқлар) бериш

ҳақида қарор қабул қилдилар. Бу район сўнгги ўн кунликда пахта териб ва давлатга топширишда 20,91 процент ўсишга эришиб, Ўзбекистоннинг 20,91 процент бажарган.

Области партия комитети ва области ижроия комитетининг кўмакида Қизил байроғи Ўзбекистоннинг 1-«Пискент» совхозига (директори Мирзаев, партия ташкилотининг секретари Абдуҳакимов, ишчилар комитетининг раиси Имомов, комсомол ташкилотининг секретари Деҳқонбеков, бош агроном Деҳқонбеков, бош агроном Деҳқонбеков) бериш. Совхоз ўн кунликда пахта териб ва дав-

ПАХТА ФРОНТИ ЧОРЛАЙДИ

Қадри ўртоқлар!

Баҳодир совет халқи ўзининг қаҳрамонона меҳнати билан ер юзидagi энг адолатли, энг бахтли жамият — коммунизмнинг улугвор биносини бунёд қилмоқда. Коммунизмнинг улугвор биноси улуг Ленин партиясининг иродаси ва заковати билан, мамлакатимиз халқларининг кундан-кунга мустақамланаётган дўстлигининг яратувчилик кучи билан, барча қардош республикаларнинг биргаликда қилаётган куч-ғайрати билан қал кўтармоқда.

Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари бу умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Серкўёш ўлкамиз пахта ва газ, пилла ва рангли металллар, қоракўл тери ва қаноп, мева ва сабзавот каби беҳисоб бойликлар билан машҳурдир. Бу бойликлар коммунизм қурилишига тобора кўпроқ хизмат қилмоқда.

Халқимиз ифтихор билан «оқ олтин» деб атаган пахта ўзбек ерининг бебаҳо тўғасидир. Пахта — гуруримиз ва шон-шўҳратимиздир, фаровонлигимиз ва бахт-содатимиз манбаи, қардош халқлар билан дўстлигининг тўқилиши ва моддий ифодасидир. Пахта етиштиришни кўпайтириш бизнинг олий ватанпарварлик ва интернационал бурчимиздир, бизнинг шон-шараф ишимиздир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида, пахтакорларимиз ҳақида муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Республикамиз давлатдан энг янги қишлоқ хўжалик техникаси, минерал ўғитлар, захарли химикатлар ва бошқа моддий-техника воситаларини тобора кўпроқ миқдорда олмақда. Партияимизнинг XXII съезди мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлган Ўзбекистоннинг аҳамиятини яна бир бор зўр куч билан таъкиллади. КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қишлоқ хўжалигини кескин юксалтиришга қаратилган қарорлари, СССР Министрлар Советининг «Пахта етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришдан колхоз ва совхозларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори пахтакорларнинг ижодий ташаббусини ошириб юборди, уларни янги меҳнат жасоратига руҳлантирди.

Бу йил қишлоқ меҳнаткашларининг матонатига, мақсадга интилишига қатъияти ва қаҳрамонлигига, меҳнатсеварлигига ва мажоратига катта имтиҳон йили бўлди. Бу йил табиат жуда қаттиқ инжиқлик қилди. Еш гўза ниҳоллари энди сув талаб бўлиб ўсаётган кезларда сув етишмай қолди. Мисли кўрилмаган қўрқоқчилик устига табиат экинларга гоҳ тандирдек қизгин гармселлар билан, гоҳ ҳалокатли шамоллар билан, гоҳ қатқалоқ, гоҳ ҳашарот билан таҳдид солиб, аҳволни мураккаблаштирди.

Бироқ, пахтакорларни ҳеч нарса қўчқолмади, улар саросимага тушиб қолмадилар, катта синовдан шараф билан ўтдилар. Пахтакорларнинг қаҳрамонона меҳнати, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг қардош халқларнинг улкан ёрдами тўғрисида республикада Батанга камидан 3 миллион 650 минг тонна юқори сифатли «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилди.

Бу йилги қувончли воқеа шуки, ҳосил ўлган йилдаги нисбатан анча барвақт етилди. Бепосан даладаримиздаги оппоқ чаноқлар сонсиз-саноксиз юлдузларни эслатади. Улар қалбларимизга қувонч бағишламоқда. Ҳосил йигим-терими сўрватини кучайтириш, пахта тайёрлаш давлат планини биринчи сортлар ҳисобига бажариш ва йигим-терим ишларини Улуғ Октябрь байрамингача тугаллаш учун ҳамма имкониятларимиз бор.

Шу кунларда бутун республикамиз пахта йигим-терими билан нафас олаётди. Ўзбек пахтасининг катта хирмони учун улкан кураш қизгин тус олмақда. Республикамиз колхозлари ва совхозлари

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ
ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ БАРЧА КОЛХОЗЧИЛАРГА, СОВХОЗЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИГА,
МЕХАНИЗАТОРЛАРГА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИГА, ШАҲАР ВА ИШЧИ ПОСЁЛКАЛАРИНИНГ
МЕХНАТКАШЛАРИГА, СТУДЕНТЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАРГА, РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

МУРОЖАТИ

ҳозирнинг ўзидаёқ Ватан омборига 400 минг тоннадан ортиқ 1-сорт пахта топширди. Қисқа вақт ичида ҳеч қачон шунча миқдорда пахта тайёрланмаган эди.

Қашқадарё областининг меҳнаткашлари ана шу курашда пешқадамлик қилмоқдалар. Улар давлат планини ҳозирнинг ўзидаёқ 29,87 процент бажариб қўйдилар ва ҳар кун тайёрлов пунктларига йиллик планнинг 2,5 проценти миқдорда пахта топширмоқдалар.

Бухоро областида ҳам пахта ана шундай сўрватлар билан тайёрланмоқда. Области пахта тайёрлаш йиллик планини 21,39 процент бажариб қўйди. Сурхондарё, Фарғона, Андижон областлари сўрватини ладиллик билан оширмоқдалар.

Звенолар ва бригадалар бирин-кетин маррага етмоқдалар. Чироқчи районидagi «Восход» совхозидан Юсуф Худойбердиев, Ленин районидagi «Правда Востока» колхозидан Абдуллажон Собиров, Ғузор районидagi Ленин номи колхоздан Ҳайит Ҳайдаров, шу райондagi Карл Маркс номи колхоздан Турсун Ҳакимов бошлиқ бригадалар ва юзлаб звенолар республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини адо этдилар. Бир қанча колхозлар ва совхозлар план бажарилганлиги ҳақида бугун-эрта рапорт бера бошлайдилар.

Пахта тайёрлаш илғорларига шон-шарафлар бўлсин! Улар катта меҳнат ғалабалари учун курашда намуна кўрсатмоқдалар.

Бироқ, умуман республика бўйича пахтани йигиб-териб олиш ва топшириш сўрвати ҳали ҳам паст. Кўп хўжалиқлар мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмаётдилар.

Ўртоқлар, атрофингизга бир назар ташланг: меҳнатга лаёқатли қанчадан-қанча колхозчилар ва совхоз ишчилари ҳосил йигим-теримида бевосита иштирок этмай юришибди! Кўпгина хўжалиқларда теримчиларнинг меҳнат унуми жуда паст. Ҳар кун 80-100 килограмдан ва ундан ҳам кўпроқ пахта тараётган теримчилар билан бир қаторда, 20-25 килограмдан тараётганлар ҳам учрайди. Батъи жойларда ҳосилини механизмлар билан териб олишга тайёргарлик сўст бормоқда. Ўзга баргини тўктириш учун дори сепиш кечиктирилмоқда. Шундай хўжалиқлар ҳам борки, уларда далалар пахта яхши очилганидан оқ чойшаб ёйгандек бўлиб ётибди, пахта терим машиналари эса бекор турибди.

Бундай ҳолларга мутлақо тоқат қилиб бўлмаслиги очик ва равшан. Катта пахта хирмони учун курашининг ҳозирги ҳал қилувчи босқичида ҳар бир кун, ҳар бир соат ганимат эканлигини ҳаммамиз чуқур англаб олишимиз керак. Йигим-терим ишларини ҳар қандай йўл билан кечиктириш етиштирилган ҳосилнинг нобуд бўлиш хавфини туғдиради. Биз бунга йўл қўя олмаймиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети барча қишлоқ меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни йигим-терим ишлари сўрватини кучайтиришга чақирадилар. Меҳнатга лаёқатли ҳар бир киши шў кунларда пахта даласида бўлиши, ҳосилини йигиб-териб олишда бевосита иштирок этиши керак. Пахта учун умумхалқ кура-

шидан ҳеч ким четда қолмасин. Олтин ўтда, одам меҳнатда билинади, — дейилади халқ мақолида. Ғалаба меҳнат билан ва фақат меҳнат билан қўлга киритилади. Ҳар қандай ландавур, дангасаларга, техникхўрларга қарши кескин кураш эълон қилинг! Меҳнат унумдорлигини муттасил ошира бориш, пахта йигим-терими ишлари сўрватини кундан-кунга кучайтириш!

Шаҳарлик дўстлар, ишчи посёлкалари ва район марказларидаги меҳнаткашлар, биз сизларга мурожаат қиламиз! Студентлар ва ўқувчилар, сизларга мурожаат қиламиз! Қадри дўстлар, ўтган йилларда ўз ватанпарварлик бурчингизни яхши англаганлигингизни кўрсатдингиз, ҳосилини йигиб-териб олишда пахтакорлар билан ёнма-ён туриб фидокорона меҳнат қилдингиз. Биз шунга заррача ҳам шўбча қилмаймики, сизлар бу йил ҳам ҳосилини йигиб-териб олишда колхозларимизга, совхозларимизга дўстона ёрдам берасизлар, пахта далаларида меҳнат жасорати намунасини кўрсатасизлар ва шу йўл билан Ўзбекистоннинг катта пахта хирмони учун курашга муносиб ҳисса қўшасизлар.

Шоли ишчилар синфимиз, ажойиб конструкторларимиз қишлоқ меҳнаткашларини мустаҳкам техника билан қуроллантирмоқдалар. Хо-зир икки ва тўрт қатордаги пахтани тарадиган терим агрегатлари, ажойиб механик подборщиклар, кўрак тарадиган ва чувиладиган, ғўзаюя оладиган машиналар пахтакорларга мададкор бўлмоқда. Ҳозир юксак унумли, бир йўла 8 қатордаги пахтани териб кетадиган терим машинаси яратилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси учун қишлоқ меҳнаткашлари ишчиларимиздан, конструктор ва инженерларимиздан беҳад миннатдорлар. Улар машиналарни севиб қолдилар. Машина — уларнинг қаноғи, дўсти. Пахтазорда шу ажойиб машиналар учун кенг йўл очилган. Дала гвардиячилари, шоли механизаторлар Турсун Охчиова, Валентин Тюпко, Жавод Кўчиев, Мамажон Далажонов, Маннон Жалолов, Исқандар Юсупов ва уларнинг кўплаб издошларининг номлари республикамиздан ташқарида ҳам маълумдир. Улар халқимизнинг фахри, гурури бўлиб қолдилар.

Қадри меҳнаткорлар, бу йил йигим-терим ишларининг муваффақияти кўп жиҳатдан сизларга боғлиқ. Сизлар зимманигизга юксак мажбурият олдингиз: «зангори кемазлар бункеридан 1 миллион тонна «оқ олтин» тўкишга аҳл қилдингиз. Сизларни бу мажбуриятнинг шараф билан бажаришга чақирамиз. Ҳар бир терим агрегати ишга солинсин! Машиналарнинг тўхтаб туришига йўл қўйманг! Уларнинг иш унумини бутун чоралар билан оширинг! Машинада терилган пахтанинг юқори сифатли бўлиши учун курашингиз!

Колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари, биз сизларга мурожаат қилмоқдамиз. Пахта терим техникаси учун кенг йўл очиб бериш, бутун машина паркиннинг тўхтовсиз ва юксак унум билан ишлаши учун шароит яратиш бериш! Дефоляцияни барвақт тугаллаш, далаларни машина теримига намунали тайёрлаб қўйиш!

Коммунист ва комсомол ўртоқлар, ҳосил йигим-теримининг шу қизгин палласида сизнинг зимманингиздаги масъулият жуда юксакдир. Барча колхозчилар ва совхоз ишчилари, барча теримчилар ва механик-ҳайдовчилар сизларга тенглашмоғи зарур. Ҳосилини йигиб-териб олишда зўр ғайрат кўрсатиш, ўз ишингиз билан меҳнаткашларни фидокорона меҳнат қилишга руҳлантириш.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимлари, колхозларнинг раислари ва совхозларнинг директорлари! Ҳосил йигим-теримида меҳнатни аниқ ташкил этиш, социалистик мусобақани кенг қулоқ ёйдириш, мусобақа натижаларини пахтакорларга маълум қилиб туриш, илғорларни бутун чоралар билан рағбатлантириш, далада ишлаётганлар учун яхши маданий-مائийш шароит яратиш бериш, пахтакорларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш! Шў кунларда ҳар бир бригадала иссиқ овқат тайёрлашнинг, медицина ва савдо хизмати яхши ташкил этилган бўлиши, болалар ботча ва ясиляри иши яхшилаши керак. Дала ишчилари оммавий-сиёсий ва маданий-оқарув ишларининг ҳақиқий ўчоғи, теримчилар ва механик-ҳайдовчилар бўш вақтларини мазмунли ўтказадиган жой бўлиб қолсин.

Тайёрлов тармоқларининг ходимлари, пахта йигим-терими кампаниясининг муваффақияти кўп жиҳатдан сизларга, сизлар пахтани қабул қилиб олишни қанчалик оқилона ташкил этишларингизга боғлиқдир. Пахта орган транспортнинг тайёрлов пунктлари дарвозаси олдида, бунлар олдида пахтани тушириш вақтида тўпланиб қолишига йўл қўйманг! Тайёрлов пунктларининг аниқ ишлашини, пахтани ўз вақтида қўриштириш, тозаланишини ва сақлаанишини таъминланг!

Матбуот, радио ва телевидение ҳамда маданий-оқарув муассасаларининг ходимлари, адабиёт ва санъат арбоблари, пропагандистлар ва агитаторлар, Ўзбекистоннинг катта пахта хирмони учун курашга актив қўшилишга, меҳнат коллективларининг ҳаётига чуқурроқ кириб боришга, илғорларни ва новаторларни шарафлангиз, уларнинг таърибасини кенг оммалаштиришга, уларнинг меҳнатига жасорати, улугворлигини қўйлангиз.

Азиз ўртоқлар!

Мамлакатимизга кўп пахта, аёло сифатли пахта керак. Пахтани кўз қорачиғидек сақланг, унинг нобуд бўлишига йўл қўйманг. Бу бебаҳо халқ бойлигининг ҳар бир граммнинг қадрига етинг. Шўни эсла гунигки, томчилардан денгиз ҳосил бўлгандек, пахта тоғлари ҳам граммлардан қал кўтарали. Чаноқларда бир чигит пахтанинг қолиб кетишига ҳам йўл қўйманг, ташиш вақтида пахта йўлларга тўқилмасин, уни ерга топманг. Пахтани молга пайхон қилдирувчиларга қарши шафқатсиз курашгиз. Ҳосил минглаб ва ўнг минглаб кишиларнинг қаҳрамонона меҳнати билан етиштирилган. Шўндай экан, у сира нобуд қилмай йигиб-териб олиниши ва давлатга топширилиши керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети умумдавлат манфаатларини чуқур англаб етган, уларнинг интернационал бурчларига содиқликларини кўп марта кўрсатган республикамиз меҳнаткашлари юксак уюшқоқлик намунасини кўрсатадилар, ҳосил йигим-теримини тезроқ тугаллаш ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун курашга бутун кучларини, бутун ғайратларини сарфлайдилар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллигини муносиб қутиб оладилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Ҳамма — пахта теримига, азиз дўстлар!

СОВЕТ-РУМИНИЯ АХБОРОТИ ИМЗОЛАНДИ

10 сентябрда Кремлда Руминия Социалистик Республикаси партия-хукумат делегациясининг Совет Иттифоқида бўлиш тўғрисида совет — румин ахборотини имзолаш маросими бўлди.

Ахборотини Совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев ва КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, Руминия томонидан Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Николае Чаушеску ҳамда Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитети Ижроия комитетининг аъзоси, Руминия Социалистик Республикасининг Министрлар Советининг Раиси Ион Георге Маур имзоладилар. (ТАСС).

Социалистик Руминия делегацияси Москвадан жўнаб кетди

Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Николае Чаушеску бошличилида расмий визит билан СССРда меҳмон бўлиб турган Руминия Социалистик Республикасининг партия-хукумат делегацияси 11 сентябрда Москвадан ватанига жўнаб кетди.

Иккила мамлакатнинг давлат байроқлари билан безатилган «Внуково-1» аэропортида румин дўстларини Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Н. Шелестин, П. Н. Демичев, Ю. В. Андропов ва бошқа совет раҳбарлари кузатиб қўйдилар.

Аэродромда Москва гарнизонини қўшинларининг фахрий қоровули саф тўриб турди ҳамда Руминия ва Совет Иттифоқи давлат гимнлари ижро қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Л. И. Брежнев билан Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Николае Чаушеску кўч сузладилар. (ТАСС).

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ

Б У Й Р У Г И

1965 йил 12 сентябрь

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар! Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Танк саноатига ишлаётган ишчи, инженер ва техник ўртоқлар! Танк қўшинларининг запасдаги ва отставкадаги ветеранлари!

Бугун совет халқи ва унинг шаънатли Куролли Кучлари танкчилар кўнини байрам қилдилар, шоли танк қўшинларининг аз даҳшат солувчи жанговар машиналари яратиб бераётган танк соҳиларининг чуқур муҳаббат билан шарафландилар.

Коммунистик партия раҳбарлигида Совет Иттифоқи меҳнаткашлари коммунистик қурилишнинг булун Программасини зўр бериб амалга оширмоқдалар, етти йиллик планни муддатдан олдин бажариш учун фидокорона курашмоқдалар.

Шу билан бирга партия ва ҳукуматимиз уруш оловини ёвушчи империалистларнинг ўтмиш сабоқларини назар-эътиборга олмай, халқаро вазиетни кескинлаштиратётганлигини, кетма-кет ибисгарликлар қилаётганлигини

№ 252.

МОСКВА ШАҲРИ

ларини ҳисобга олмақдалар. Бундай шароитда Совет давлати бутун дунёда тинчликни ишчи халқ қилиб, мамлакатнинг мудофаа қўбилиятини ошириш, Армия ва Флотни мустаҳкамлаш учун зарур чораларни кўрмоқда. Америка империализми социалистик мамлакатлар ва бундай тинчликсевар илманиятларга қарши агрессия ҳаракатлар ва ҳуруқлар қилмоқда. Шу сабабли совет танкчилари СССР Куролли Кучларининг барча жангчилари набн бундан буён ҳам юксак даражада ҳушёрлик кўрсатишлари, ҳар қандай агрессорни емириб ташлашга ҳа-миша шай бўлиб туришлари лозим.

Сизларни умумхалқ байрами — Танкчилар кўни билан табриқлайман ва куталаман. Танк қўшинларининг бутун шахсий составига уларнинг ҳарбий маҳоратларини таъминлаштиришда, уларнинг сиёсий билимларини, қисмлар ва қўшилмаларнинг жанговарлик қўбилиятини оширишда,

ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда янги муваффақиятлар тиланман.

Танк саноатининг ҳамма ходимларига энг замонавий биринчи даражали бронетанк техникасини яратишда янги муваффақиятлар яратилган.

Танкчилар кўнини нишонлаш юзасидан БУКРАМАН: Бугун, 12 сентябрда махаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти — Москвада, иттифокдош республикаларнинг пойтахтларида, наҳрамон шаҳарлари: Ленинград, Волгоград, Севастополь ва Одессада тўғлардан бир қўла йигирма марта ўн узиб, салют берилсин.

Яшасин коммунизм қураётган улуг совет халқи! Яшасин совет Куролли Кучлари ва уларнинг шоли танк қўшинлари!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчилиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Р. МАЛИНОВСКИЙ.

315 тонна ПАХТАСИ

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ

БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 11 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобидан: биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — ғўза дефоляциясини)

Оржоникидзе	3,55	20,91	19,3
Юқори Чирчиқ	2,04	10,62	18,6
Ўрта Чирчиқ	1,76	8,03	74,9
Калинин	1,56	7,96	26,0
Бўна	1,31	7,43	66,6
Янгийўл	1,09	5,40	51,4
Бекобод	0,97	4,35	31,0
Оққўрғон	0,78	3,81	72,0

Област бўйича 1,37 6,96 58,9

11 сентябргача республикамиз областларида қўйилганча пахта тайёрланди: (планга нисбатан процент ҳисобидан) Қашқадарё — 29,87; Бухоро — 21,39; Сурхондарё — 13,94; Фарғона — 13,65; Андижон — 10,40; Самарқанд — 5,77; Қорақалпоғистон АССР — 4,15; Хоразм — 3,98; Сирдарё — 1,52. 11 сентябргача ғўза баргини дефоляция қилиш қўйилганча (топиришқа нисбатан процент ҳисобидан): Тошкент — 58,91; Қашқадарё — 39,65; Қорақалпоғистон АССР — 34,76; Сирдарё — 33,30; Сурхондарё — 30,93; Фарғона — 21,08; Хоразм — 20,40; Бухоро — 15,63; Самарқанд — 12,58; Андижон — 9,62.

Яқиндагина планетамиз ки-
шилари ҳарбий ёвузлик усти-
дан қозонилган оғир ғалабани
аслаб ўтдилар. Гитлер вермах-
ти яқсон қилинган куннинг йи-
гирма йиллигини Москвада,
Прага, Варшава, Будапешт,
Берлинда байрам қилдилар.
Уруш ветеранлари — фронто-
вичлар, партизанлар, яширин
иш олиб бораётганлар ва ҳозирда
уларнинг қаҳрамонона тради-
цияларини давом эттираётган-
лар бу катта байрамни қизгин
ва ҳаяжонли иштирокчилар.
Улуғ тонгда Ғалабани қон би-
лан қўлга киритилган орасида
совет танкичилари ҳам бор эди.

Урушнинг дастлабки соатла-
ридан унинг охиригача кунгача
танк шлемидоги солдатлар, офи-
церлар ва генераллар фашизм-
га қарши мардона ва қаҳрамо-
на жанг қилдилар. Танкичилар
яқма-яқма ўт оқинида душман-
ни ўққа тутидилар. қора белги-
лик оғир жанговар машиналар-
га зарба бердилар. ўрмаловчи
гидлирақлари билан тўплар, ми-
номётлар, автоматчилар коло-
наларини мамаққадилар, ша-
роит уларни пиеда қўшилларга
ўхшаб жанг қилишга мажбур
этганда кўп марта қўл жанги-
ни ҳам қўлдирдилар.

Урушнинг дастлабки кунлари
танкичилар ҳимояланганига қол-
май, ҳужумга ҳам ўтдилар.
Тўғри, ҳарбий тилда айтганимиз
булсақ, булар қарши ҳужум ва
қарши зарбалар эди. Лекин ма-
на шу зарбалар ҳам гитлерчи-
лар қўшилари сафларини эса-
киратди.

Бизнинг танкичи бригадалари-
миз қаҳрамон шаҳар Москва
муҳофазасида гитлерчилар қў-
шилларининг пойтахт оstonала-
рида тор-мор қилинишида кат-
та роль ўйнади. Москва яқини-
даги майдонларда танк брига-
даси тутилди. Гвардиячи танк-
чиларнинг широри душмани сон
эвазияга эмас, балки моҳирлик
эвазияга янчиб ташлашдан ибор-
ат эди. Бунинг танкичиларимиз
амалда кўрсатдилар.

Лекин шунга қарамай уруш-

нинг дастлабки ойлари биз кат-
та муваффақиятсизликни бош-
дан кечирдик. Унинг сабаблари
ҳақида озмунча ҳаққоний гап-
лар айтилди. Танкларнинг
етишмаслиги ҳақида ҳам гапи-
рилди. Тўғри, абсолют рақам-
лар бўйича Совет Армияси-
нинг танк парки каттагина эди.
Аммо унда эскириб қолган нус-
хадаги машиналар кўп эди.
Улар Испаниядаги, Ҳасан кули
ва Халхин-Гол атрофидаги
жангларда яхшигина ўзини кўр-
сатди. Батав урушнинг бирин-
чи йилида эса душманининг куч-
ли танк зарбаларига барҳос
беролмади: улардаги броня хи-
мося оғир бўлиб қолди ва ўт
очиб қуввати унчалик иш бер-
мади.

Ўттинчи йиллардаги совет
танкичиларининг оғирлиги биз-
га маълум эди. Шунинг учун
ҳам Совет ҳукумати 1939 йили
синодга қарши броняли ва ме-
ханизацияланган корпусларимиз-
нинг маневрига қўйил қолди.

1940 йил энда бўлган
Курск жанги танклар соғи жи-
ҳатидан беқиедир. Бу ерда ис-
кала томондан ўн мингга яқин
танк тўғнашди.

Совет танкичилари артилле-
риячилар ва гранатомётчилар
билан ҳамкорликда душманининг
«пантерлари»га қарши жанг
қилдилар. гранаталар билан
уриб, миналар билан яқсон қи-
дилар.

Михаил КАТУКОВ,
бронетанк қўшинлари маршали, икки марта Совет Иттифоқи
Қаҳрамони

соатлик ҳайдаш тажрибасига
эга эдилар.

Лекин партия, бутун совет
халқи танклар ишлаб чиқариш-
даги қўлоқликка қисқа муддат
ичида барҳам бериш учун катта
куч ва меҳнат сарфладилар. Бу
тезда ўз самараларини берди.
1942 йили 24668 та танк чиқ-
рилди, уларнинг ярмиси Т-34
типидаги танклар эди. Бу ҳол
тезда қўмондонликка танк ва
механизацияланган корпус, ке-
йин эса танк армияси ҳам ту-
зилди.

Батанимизда яратилган қу-
дратли техникадан танкичилар
жузда яхши фойдаландилар.
Сталинград яқинида иккита
гитлерчилар армиясининг қан-
чалта олинимида танк ва ме-
ханизацияланган корпусларимиз-
нинг маневрига қўйил қолди.

1943 йил энда бўлган
Курск жанги танклар соғи жи-
ҳатидан беқиедир. Бу ерда ис-
кала томондан ўн мингга яқин
танк тўғнашди.

Совет танкичилари артилле-
риячилар ва гранатомётчилар
билан ҳамкорликда душманининг
«пантерлари»га қарши жанг
қилдилар. гранаталар билан
уриб, миналар билан яқсон қи-
дилар.

Берлин операциясидаги сингари
танклар, авиация, артиллерия
тўпланган эди.

Ҳамма типдаги 8000 дан ор-
тиқ самолёт ҳаводан ердан бе-
риб турди. Барча системадаги
50 мингга яқин тўп ва миномёт
ҳужумни қувватлаб турди. Опе-
рацияда тўртта танк армияси,
тўққизта танк ва механизация
лашган корпус қатнашди. Асо-
сий зарба берилганида томонда-
ги фронтнинг ҳар бир километ-
рида 135 та танк ҳужум қилиб
борарди.

Бевосита Берлинни ўраб
олишда мингглаб совет танкча-
ларининг қатнашганини душман-
ни энг йирик санат марказида
тор-мор келтиришни теда ту-
галлашнинг асосий сабаблари-
дан бири бўлди.


Барча совет қўшинларининг
узок вақтдан бўён қилиб кела-
ётган орузи — фашистларни
ўз устидан — Берлинда яқсон
қилиш орузи рўйбога чиқди.
Урушнинг тақдирини ҳал бўлди.
Доно партиямиз совет халқини
ғалабага олиб келди.

Бизнинг ёшларимиз ва би-
ринчи ғалла ҳозирги вақтда
танк қўшинларида хизмат қи-
ла-

ётганлар кимдан ўрнак олишни
билсалар бўлади. Танкичилар
бой традицияга эга. Қўшиллар
орасида кўпгина фронтоник қаҳ-
рамонлар ўз билим ва тажриба-
ларини танкичиларнинг янги ав-
лодига бериб самарали иш олиб
бормоқдалар. Ҳозир танк қў-
шиллари бирмунча такомиллаш-
ган техника билан қуролланган.
Ҳозирги замон танкининг юрш
имкониятлари оширилди. Қун-
дузи ва тузда янги отиш имко-
ни бор. Экипажлар замонавий
ялли қирғин воситаларидан хи-
моя қилинган. Совет танкичи-
лари ракетачилар, артиллериячи-
лар, учувчилар билан ҳамкор-
ликда Батанинг ҳар қандай
буйруғини бажара оладилар.
Бунинг душманларимиз биллиб
қўйинлар. Совет халқининг
тинч меҳнатини ҳимоя қила ола-
диган воситалар ҳам, кучлар
ҳам бизда мавжуддир. (АПН).

Сурагиде: танклар машгу-
лот лойиҳа. (Чапда) Жан
говар ва сёсий тайёргарлик
аёлчиси, 2-класс механик
ҳайдооч илалашини сержант
Аҳмад Оберкулов.

А. Асанов фотоси.



Халқаро ахборот ҲИНДИСТОН—ПОКИСТОН ЖАНЖАЛИ

ДЕҲЛИ, 10 сентябрь. (ТАСС). Ҳин-
дистон мудофза министрилиги Ҳин-
дистон-Покистон фронтининг ҳамма
секторларида қаттиқ жанглар бўл-
ганини хабар қилди. Кейинги
кунларда, дейилади хабарда, Ҳинди-
стон куролли қўшилари душманининг 75
тақиниқ амирлар ташлади, жанглар-
нинг савий кучи мойбайнда эса
душманининг 114 танки амирлари
булар, асосан, Американинг «Шер-
ман» ва «Паттон» типидagi танк-
ларидир.

Расий баёнотида Ҳиндистоннинг
аҳоли яшайдиган пунктларига По-
кистон авиацияси қилган ҳужумлар
санаб кўрсатишмоқда, Жавриан қиш-

логига (Жамму сектори) самолётлар
қилган ҳужумлар натижасида 50 ки-
ши, Ферузгара қилган ҳужум на-
тижасида 13 киши, Жамму шаҳри-
да эса 5 киши ҳалок бўлди. Амрит-
сар ва Батава шаҳарларига ҳам са-
моётлар ҳужум қилди.

«Ўтган кечаси Деҳлида уч марта
ҳаво тревогаси эълон қилинди. Бу-
тун Ҳиндистон радиосининг хабар
беришча, бугун саҳарда Покистон-
нинг бир самолёти пойтахт бўсаға-
сида пайдо бўлган эди, лекин ҳайдаб
юборилди.

Ҳиндистон мудофза министрили-
гининг ахборотида айтилганича, Ка-
шмирнинг гарбий-жанубий секторида

ва Синалот райони секторида 150
покистонлик асир олинди ва бешта
муҳим порт кўлга туширилди.

Радио хабарларида айтилишича Бо-
рақ яқинида (Шарий Паннобаги
Будхия райони) ташланган 60
покистонлик парашютчилар 19 таси
асир қилиб олинди.

Ҳиндистон армияси резервдагилар-
нинг ҳаммасини армия сафига ча-
қирди.

НЬЮ-ЙОРК, 10 сентябрь. (ТАСС).
Ассошиэтед Пресс агентлиги Кара-
чидан хабар беради: кеча Покистон
армиясининг вакили айтдики, Ҳин-
дистон қўшилларининг ҳужуми ҳам-
ма томонда тўхтатилди. Покистон
қўшилари Касур секторида (По-
хурнинг 65 километр жанубида) ва
Жассар районида (Похурнинг 95 ки-
лометр шарқи-шимолида) Ҳиндистон
территориясининг ичкарасига кириб
кетдилар. Покистон вакилининг ай-
тишича қарағанда, ҳинд қўшилари
«дамлар ва техникадан иборат кат-
та талафот кўрмоқда. Покистон ар-
миясининг вакили айтдики, Чхамб
секторида (Кашмир) ҳинд қўшилари-
нинг қарши ҳужумлари натижа
бермади. Синалот секторида ҳам
хиндларнинг ҳамма атаклари қайта-
рилди. Ҳиндларнинг 35 танки ва
25 та тўп-замбараси емириб таш-
ланди, бешта тўп-замбаран ҳамда
ўқ-дори ва ҳарбий аниқомлар ор-
тидан бир неча транспорт восита-
лари кўлга туширилди.

НЬЮ-ЙОРК, 10 сентябрь. (ТАСС).
Америка телеграф агентликлари ха-
бар беради: Ҳиндистон ҳарбий ҳаво
кучлари кеча Карачига ҳужум қи-
лди. Бу — 3 кун ичидаги еттинчи
ҳужум бўлди. Шаҳарнинг немасозлик
ноҳусоналари ва ҳарбий объектлари
мойлашган шарқи-жанубий ва ш-
молий қисмларида бомбарлаш порт-
лаганили эшитилиб турди.

Покистон ҳукумати Ҳиндистон
билан бутун савдо-сотиқни тўхта-
тиш тўғрисида фармойиш берди ва
Ҳиндистонга қарашли бутун мол-
мулкни ҳеч кимга бердирмаслигини
буюрди.

Расий хабарларига қараганда, По-
кистоннинг ҳукумат маъмурулари
Карачида ва Чалнда (Шарий Поки-
стон) Ҳиндистоннинг учта немасини
ушлаб олдилар. Покистоннинг бир
немаси Калькуттада ушланиб туриб-
ди.

ЛОНДОН, 10 сентябрь. (ТАСС).
Рейтер агентлиги Покистон вакили-
нинг гапига асосланиб берган хаба-
рида айтилишича, Равалпинди, Ва-
сиробод ва Карачига қилинган ҳаво
ҳужумлари вақтида 20 га яқин ки-
ши ҳалок бўлган.

кўп кишилиқ митингга, шунинг-
дек Лариса шаҳри аҳолисининг
митингига яна шу талаблар ян-
габ эшитилди. Волос шаҳрининг
ишчи ва хизматчилари кеча 24
соатлик умумий забастовка ўтқа-
нди. Лариса шаҳри аҳолисининг
тағлибларини қўллаб-қувватлади-
лар. Бугун Афинада, Салоникда,
Канадада ва Грециянинг бошқа
шаҳарларида аҳолининг конститу-
цияни ҳимоя қилишга бағишлан-
ган митинг ва намойишлари яна
ўтказилди.

ГРЕЦИЯ МЕХНАТКАШЛА- РИНИНГ КУРАШИ

АФИНА, 10 сентябрь. (ТАСС).
Греция меҳнаткашлари мамлакат-
да конституцион тартибларни қай-
та тиклаш учун бошлаган кура-
шида ўз ниятларидан қайтмаётги-
лар. Улар сёсий тағлиқка хоти-
ма бериш ва Грецияни нормал де-
мократик ривожланиш йўлига
қайтаришни бирдан-бир восита-
си бўлган эркин савловарларни дар-
ҳол ўтказишни талаб қилишмоқда.
Аттика ҳунармандлари, ко-
сиблари ва майда савдогарлари
союзи Афинада уюштирган кечаги

ГЕНЕРАЛ ВЕССИН—И—ВЕССИН ПУЭРТО-РИКОГА СУРГУН ҚИЛИНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 10 сентябрь. (ТАСС).
Ассошиэтед Пресс агент-
лигининг Санто-Доминго (Домини-
кана республикаси)дан хабар
беришча, Каамакно бошчи-
лигидаги конституциячиларга қар-
ши чиққан армияга қўмон-
донлик қилиб келган генерал
Вессин—И—Вессин кеча уш-
лаб олинган ва мамлакатдан
сургуни қилинган. АП агентлиги-

нинг хабарига айтилишича, Вес-
син—И—Вессин Пуэрто-Рикога
Америка вертолетидан олиб кетил-
ган.

Генерал Вессин—И—Вессинни
Доминикана республикасида чи-
қариб юбориш тийиқлик шартнома-
сини тузиш вақтида полковник
Каамакно бошчилигидаги консти-
туциячилар кўйган талаблардан
бири эди.

Агрессорлар заҳарли моддаларни ишга солмоқдалар

ХАНОЙ, 10 сентябрь. (ТАСС).
Америка денгиз пиеда қўшилари-
нинг солдатлари, деб хабар бе-
ради Вьетнам информатсия агент-
лиги «Озодлик» агентлигининг
эшитиришига асосланиб, Жанубий
Вьетнамнинг Бинь-Динь вилояти-
даги Бинь-Куанг қишлоғи аҳоли-

сига қарши заҳарли моддалар иш-
латди.
Сўнгги тўрт йил мобайнида
Америка аҳолисига қарши 200
мартта заҳарли модда ишлатди.
Бунинг натижасида ўн мингларча
тинч аҳоли жабр кўрди.

1966 йил учун газета ва журналларга обунга қабул қилинмоқда
„ТОШКЕНТ ХАВНАКАТИ“НИ ЎҚИНГ
ХАВАР ВА МАҚОЛАЛАРИНГИЗ БИЛАН ҚАТНАШИНГ
Газетага обунга „Союзпечать“нинг ҳамма бўлимларида почтабонлар, фабрика,
заводлар, қурилишлар, муассасалар, олий ўқув юртлари, шунингдек колхоз ва совхоз-
лардаги жамоатчи вакиллар томонидан қабул қилинади.
ГАЗЕТАГА ТЕЗРОҚ ОБУНА БУЛИНГ.
ОБУНА БАҲОСИ: 12 ойга—5 сўм 28 тийин, 6 ойга—2 сўм 64 тийин,
3 ойга 1 сўм 32 тийин.

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

Ўзбекистон сузувчилари-
нинг Иттифок миёсидидаги обрус-
тобора ортиб борапти. Бир гу-
па сузувчилар яқинда дуст Бол-
гарияда ўтказилган халқаро ўр-
тоқлик учрашувиде совет спортчи-
ларининг муносиб ҳимоя қилди-
лар. Сўнга савроқчи спортчила-
рининг эса кўп кеча Волгоград
шаҳрига жўнаб кетишди. Улар бу
ерда мамлакат чемпиолати мусо-
бакаларида қатнашадилар.

Киевда Бутуниттifoқ
ДОСААФ кунлиги жанит спортчи-
лар уртасида мерганлик бўйича
ўтказилган мусобақалар тутди.
Ўзбекистон командида умумно-
мада ҳисобиде еттинчи ўринга
чиқди. Ўтган йилги мусобақада
эса 14-ўринда қолган эди.
Команда аъзоси С. Муравьев уч
машинда 600 иккитонлидан 562 о-
во тўплади ва ДОСААФ спортчи-
лари уртасида чемпио бўлди.

Футбол бўйича шаҳар ва
област кубоги эгалари жаълуз
бўлди. Республика кубоги учун
эса мусобақалар энди бошланди.
«Тошкентабель» футболчилари
Олмалида маҳаллий «Металлур-
г» командаси билан учрашдилар.
Меҳмонлар сўнгги минутларда бир
тўп киритиб ғалабага эришдилар.
Чирчилик «Химик» командаси
Бўгада Наманган футболчилари
эса Янгирода бир хил — 2:1 ҳи-
собида устун келдилар. Фарғона
ва Термиз футболчилари ҳам би-
ринчи тўсқидан муваффақиятли
ўтдилар.

„УМИД“ КУБОГИДАН УМИДВОРМИЗ

ВЛКСМ Марказий Комитети тасвир
этган „Умид“ кубоги учун Москва,
Ленинград ва Иттифокчи респу-
бликаларнинг ешлар терма командала-
ри уртасидаги мусобақалар давом
этипти. Ўзбекистон ешлар терма
командаси бу мусобақаларда муваффа-
қиятли қатнашмоқда. Ўтган кунги
ҳимоячиларининг „Пахтакор“ ста-
диониде Козловоини ешлар терма ко-
мандаси билан навабтаги матчи о-
тказди. Бу командадан уртасидаги би-
ринчи уйин Олмаотада бўлиб, тош-
кентликлар фойдасига 2:0 ҳисобида
туганган эди.

Ўтган кунги матчда ҳам ёш фут-
болчиларимизнинг устунлиги тула
созлиб турди. Дастлабки минитлар
даёқ ташаббусни қўларига олган
майдон эгалари меҳмонлар штраф
майдонига тез-тез ёриб киралошладилар.
Новиков, Муратидис, Антиде-
лар чиройли уйинлари билан тош-
кентликларни хурсанд этди. Биринчи
бўлима меҳмонлар уч марта уйини
марказдан бошлашга мажбур бўли-
лар. Иккинчи таймда ҳам Ўзбекистон
ешлар терма командаси ҳужумни
тўхтатмай яна иккита тўп киритди.
Бешта тўпга меҳмонлар атиги битта
тўп билан жавоб қайтардилар.

ХОТИН-ҚИЗЛАР, СИЗЛАР УЧУН

„ЭЛИТА“ МАШИНАСИ

Рўзгор ишидеги ҳеч бир аёл кир
ювчишни завтиш иш деб айтмас-
кан. Айниқса кир ювчиша чечан бў-
лган аёллар бундай дейишмайди.
Киевдаги электр рўзгор машиналари
ва асбоблари заводидаги мутахассис-
лари тажриба учун бир наъча рўз-
гор асбобларини тайёрлаб беришди.
Бу асбоблар хотин-қизларни ҳеч
шубҳасиз хурсанд қилса керак: бу-
лар орасида кир ювиб берадиган
„Элита“ номи машина бор. Бу ма-
шина ўзининг ташич ирринини, чи-
ройли бўлиши, иккамиллиги, электр
энергияни ҳам сарфлаб, тежамли бў-
лиши билан ўз ўтмишдоши „Киев“
машинасидан фарқ қилади. Маши-
надаги антиватор конструкцияси та-
молаштирилди, шу тўғрйли энди
ювилган иррининг сувини машина-
нинг ўзи сиқиб чиқаради.

Бу асбоб „Березки“ номи бошқа
бир асбоб ҳам ишлаб чиқарди. Бу
асбоб пишириладиган овқат куйиб
қолганида пайдо бўладиган ёмон хи-
дларни йўқотибди. Шу янги асбоблар-
нинг ҳаммаси келгуси йил бошда
сотила бошлайди. Шу билан бирга
завод идишларини ювиб берадиган
„Сюрприз“ деган машина ҳам ишлаб
чиқара бошлайди.

КИНИМ ТОЗАЛАЙДИГАН АВТОМАТ

Сиз бу автоматнинг махсус теши-
гила пул солишини билан унинг
эшиги очилди. Барабанининг ичига
кийимингизни солиб қўйишгиз бил-
ан автомат уни ярим соатда топто-
за қилиб беради.

Киев машинасозлиги заводи кийи-
ларни химиявий усулда тозалайдиган
машиналарни ишлаб чиқара бошла-
ди. Бу машиналарда ҳамма иш одам-

нинг иштирокисиз автоматик равиш-
да бажарилади. Бундай агрегатлар
ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи маиший
навиёлонларга ўрнатиб қўйилади.

ИККИ ШКАФЛИ ПЛИТА

Газ аппаратлари заводи „Львов-
29“ ва „Львов-30“ маркази модерни-
зация қилинган икки хил газ плита-
лари ишлаб чиқара бошладилар. Илгари
чиқарилиб келган плиталар негиз-
да яратилган бу иккила нусханинг
конструкцияси анча такомиллашти-
рилди. Бу плиталар ҳозирги замон
ошхона мебелларига мос бўлиб ту-
шадиған ўзининг ирройли ташич и-
ринини билан фарқ қилади. Ҳар бир
плитада иккита шкаф-овқатни дим-
лаб пишириладиган ва курдатидиған
шнафлар бор, илгарили плиталарда
фанат битта шнаф бўлар эди. Олов
ёқиб учун махсус аппарат борлиги
ҳам рўзгор эгаларини хурсанд қи-
лса керак. Аммо асосий янгилини шун-
дан иборатки, янги плиталарнинг
горелкалари бутунлай бошқача иш-
қиланган. Бу горелкалар газнинг бата-
мом ёнишини таъминлайди. Бу ҳам
тежамли, ҳам гигиена жиҳатидан
фойдалидир.

ШИША.. ИЧИДАГИ УҚРОП

Шивага солиб қўйилган бу элек-
сирнинг бир товчиши шўрвани лаъ-
зати ва хушбўй икканди. Шу ту-
файли хатто, шимолли Қўтба ҳам
пишириладиган шўрвалардан. Иккита
уқропнинг ҳам келиб турди. При-
луки яллиз заводи уқроп мойи атал-
ган бу электрнинг бир неча юз
килограммини тайёрлаб чиқарди.
Электр олдатишда уқропнинг уруғи,
дан эмас, балки кўнжик ўсиб турган
уқропнинг ўзидан тайёрланди. Нати-
жада электр айниса хушбўй бўлиб
қолди.

КИЕВ
(ТАСС МУХБИРИ)

МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР СЛЁТИ

Алоқа ходимлари клубида
жамоатчи матбуот тарқатувчи-
лар слёти бўлиб ўтди. Тошкент
шаҳар партия комитети ҳузури-
даги матбуот тарқатилиш Совети
ва шаҳар «Союзпечать» бўлими
томонидан қақиртилган бу слёт-
да газета ва журнал тарқатувчи
активлардан 200 дан ортиқ ки-
ши қатнашди. Ўтган йилги обу-
на кампаниясининг яқинлари ва
бу йилги вазифалар ҳақида
Тошкент шаҳар «Союзпечать»
бўлимининг бошлиғи ўртоқ Г. Зо-
лотарев сўзлаб берди. Кейинги
йилларда газета ва журналлар
га обунга бўлиш орти, меҳнат-
кашлар билан, халқаро алоқалар,
техника масалаларига оид на-
шарларга кўпроқ ёзилмоқдалар.

1966 йил учун обунга бўлиш
кампанияси янада ушшоқлик
билан ўтиш қўтилимоқда: ҳозир

роқ 3000 дан ортиқ обунга
пунктлари ва 8000 жамоатчи
матбуот тарқатувчилар ишга ки-
ришдилар. слётда энг яхши мат-
буот тарқатувчилар ўз таъ-
риблари ҳақида сўзлаб берди-
лар. Кекса коммунист И. Треть-
яков, рангли металлургия лойи
ҳадаш институтининг ходими
Л. Симонов ва шаҳар почтати
бошлиғи В. Решетников фойда-
ли маслаҳат ва тақдирларини
ўртага ташладилар.
Жамоатчи матбуот тарқатув-
чилардан катта гуруписига
«Правда» ва «Известия» газе-
талари редакцияларининг диг-
лом ва фахрий ёрлиқлари топ-
ширилди. Энг яхши жамоатчи-
лар газета ва журналларга бе-
пул обунга қилинди.

Н. СЕРГЕЕВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ» («ТАШ-
КЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган
Ташкенткозо обкома, горкома КП
Ўзбекистана, областного и городского
Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНИЛАРИ: Редактор — 29004. Редактор уринбосарла-
ри — 25885, 26232. Массул секретарь — 34808. Пропаганда, адабият ва
санъат бўлимлари — 31936. Партия турмуши, Саноят, транспорт ва кури-
лиш, ахборот ва спорт бўлимлари — 33786. Кишлоқ хўжалиги. Фан, Мак-
таб ва олий ўқув юртлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва
шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —
34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биланшоган нашриётини
босмаҳонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 11599. Индекс 64969. Нашр. № 1846.

КИНО

КИШКИ БИНОДА